

Янги йил яхшиликлар олиб келсин!

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 28 декабрь  
сешанба  
№ 52 (1308)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)  
[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)  
[fb.com/hudud24official/](https://fb.com/hudud24official/)  
[t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official/)

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

**ОБУНА БЎЛИНГ:** "Инсон ва қонун" газетаси — адлия тизими ходимлари ва ўз ҳақ-хуқуқларини англашга интилувчиларнинг нашри

Янги йил, яхши йил бўл, ёруғ йўл бўл!  
Осойишталик олиб кел!



## БАРЧАГА ЭЗГУЛИК ҲАМРОҲ БЎЛСИН!

Хуқуқини билган инсон ҳар жойда, ҳамма даврада дадил, қадди тик туради, сўзи ўткир бўлади. Бундай инсонларни алдаш, тўғри йўлдан оздириш, "синдириш" мумкин эмас. Янги йилда Марказимизнинг энг асосий мақсади одамлар ўз хуқуқини яхши билишига ҳисса қўйишдан иборат. Бунинг учун эса жамоамиз билан истаган шаклдаги хуқуқий ахборотларни чоп этиш ва етказишга ҳаракат қиламиз.

Янги йилда барчага яхшилиқ ҳамроҳ бўлсин! "Адолат" марказидан янги йилда ҳам янги лойиҳаларни кутинг!

"Адолат" миллий хуқуқий ахборот маркази жамоаси



# Янги йил омад ва бахт олиб келсин!

## КАТТА МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА УЛКАН ЗАФАРЛАР ЁР БЎЛСИН!



ЯНГИ йил арафасида ҳар бир соҳада сарҳисоб вақти бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси учун ҳам ўтаётган йил яхши натижаларни қўлга киритганлиги билан эсда қоларли бўлди. Кўплаб фуқароларнинг мувожаатларини ўрганиш ва уларни ижобий ҳал қилиш, иш ҳақини ололмай юрган ходимларга кўмак, асоссиз жаримага тортилганларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, кредит ололмай сарсон бўлганлар муаммосини аритиш, ер ажратиш, бола пули, пенсияни нотўғри ҳисоблаш оқибатида етказилган зарар, мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жавобгарликка тортиш ва бошқа кўплаб ҳолатларда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг розилигига эришиш ҳар биримизга катта қувонч бағишлади.

Келгусидаги режаларимиз ҳам катта. Тилагимиз — ҳар бир адлия ходимининг халқимиз олдида юзи ёруғ бўлсин! Катта мақсадларга эришиш йўлида улкан зафарлар тилаймиз!

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси

## МАҚСАД БИТТА — ХАЛҚИМИЗНИ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДАН РОЗИ ҚИЛИШ!

АНДИЖОН мамлакатимизнинг ҳудуди жиҳатидан кичик вилоятларидан бўлса-да, аммо аҳолиси энг зич жойлашган минтақаси саналади. Вилоят аҳлининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, қонун устуворлигини таъминлаш вилоят адлия бошқармаси зиммасидаги энг муҳим, шу билан бирга шарафли ва масъулиятли вазифадир.

Шу маънода айтганда, Андижон вилоят адлия бошқармаси жамоаси янги 2022 йилда ҳам айни вазифани янада тўлақонли ва намунали тарзда уддалашга бел боғлаган. Бу борада яқунланаётган йилдаги фаолиятимизни сарҳисоб қилиб, ундан тегишли хулосаларни чиқаришимиз зарур. Мақсад битта — халқимизни адлия идораларидан рози қилиш.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Янги — 2022 йил билан муборакбод этамиз!

Андижон вилоят адлия бошқармаси жамоаси



## ЯНГИ ЙИЛ ХАЙРЛИ КЕЛСИН!

2021 ЙИЛ дарёдек шиддат билан оқиб ўтиб, ўз ўрнини 2022 йилга бўшатиб бермоқда. Бу эса Янги йилга, умр йўлимиздаги янги бир довонга қадам қўяётганлигимизни англайди. 2021 йил давомида халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасида бир қанча диққатга сазовор ишлар амалга оширилиб, бу эзгу ишлар халқимиз қувончига сабабчи бўлди, деб бемалол айта оламиз.

Жамият тараққиётига эришиш йўлида қилинаётган ислохотларда адлия органларининг ҳам ҳиссаси борлиги жуда қувонарли, албатта.

Бу "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғоя давлат сиёсатида устуворлик касб этиб бораётганлигидан далолатдир.

Азиз юртдошлар, "Инсон ва қонун" газетасининг қадрли ўқувчилари!

Сиз, азизларга қалбимиз тўрида бўлган энг самимий тилақларимизни изҳор этамиз. Янги йил юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик, оилаларимизга хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик, файзу тароват билан кириб келсин. Қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, халқимиз учун нафи тегадиган даражада, сидқидилдан, беминнат хизмат қилиш бахти барчамизга насиб этсин.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси жамоаси



# Янги йилда соғлиқ-омонлик тилаймиз!

## ЯНГИ РЕЖАЛАР, ЯНГИ ОРЗУЛАР АМАЛГА ОШСИН!

АЗИЗ юртдошлар!

Гўзал ва бетакрор Ватанимизда байрамлар бисёр. Янги йил байрамнинг эса ўзгача шукӯҳи, ўзгача файзи бор. Янги йил — аввало сарҳисоб байрами. Айнан ана шу йилбоши арафасида бутун йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинади. Янги йил учун режалар тузилади. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, кузатаётган 2021 йилимиз ютуқларга бой, эсда қоларли йил бўлди. Мамлакатимиз миқёсида оладиган бўлсак, бу йил халқ билан мулоқот йили бўлди, десак адашмаган бўламыз. Кўпчилик юртдошларимизнинг таклифлари инобатга олинди, ташаббуслари ўрганилди. Мухими, уларнинг дардига дармон бўлди. Инсон манфаатлари ҳимоя қилинди, кадрлар юксалди. Натижада Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни мустаҳкамланди.

Жиззах вилоятида ҳам фахрланишга арзирли зафарлар қўлга киритилди. Барча соҳаларда белгиланган режалар удаланди. Аҳолининг турмуш даражаси яхшиланди.

Келаётган Янги — 2022 йил аввало ҳар бирингизга соғлиқ, оилавий бахт, фароғат олиб келсин. Барча орзу-ниятларингиз ушалсин. Юртимиз тинчлиги ва ободлиги йўлидаги меҳнатингиз янада самарали бўлсин. Янги йилингиз хайрли бўлсин, азизлар!

Жиззах вилоят адлия бошқармаси жамоаси

## 2021 ЙИЛ ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ БЎЛДИ

2021 ЙИЛ адлия органлари тизимида янгиланиш ва ислохотлар даври бўлди. Навоий вилоят адлия бошқармаси ҳаётида ҳам яқунлаётган йил ёрқин из қолдирди. Айниқса, бошқарма фаолиятининг замон талабларига мос, янги бинода давом этиши ходимлар кайфиятига ижобий таъсир этиб, меҳнат унумдорлигини янги босқичга кўтарди, десак муболаға бўлмайди.

Бу ерда фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва улар билан юзма-юз мулоқот ўтказиш учун қўлай шароитлар яратилган. Шу асосда, вилоят адлия органлари тизимида "маҳаллабай" ва "фуқаробай" ишлаш бўйича самарали механизм шакллантирилди.

Яқунга етаётган 2021 йил ана шундай ислохотлар, ташаббуслар ва ғояларга бой бўлди. Шу боис, остонада эшик қоқиб турган Янги йилни ҳам ана шундай шижоат билан кутиб олмақдамиз. Бунда яхшиликлар, янгиланишлар, фаолиятда янгича ҳаракат ва янги ёндашувлар ният қилинмоқда. Истақларнинг энг олийси — юртдошларимиз учун энг аввало соғлиқ, оилавий бахт ва хотиржамлик тилагидир. Келгуси йилда ҳам мамлакатимиз оналар алласидан, болалар кулгусидан яшнасин; ёшлар Ватанга садоқат, касбга масъулият руҳи билан камолга етсинлар!

Навоий вилоят адлия бошқармаси жамоаси



## БОШЛАГАН ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗ ДАВОМ ЭТАДИ!

НАМАНГАН вилоят адлия бошқармаси жамоаси учун ҳам ўтиб бораётган йил ўзининг сермазмун саҳифалари билан эсда қоларли бўлмоқда. Қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ёки аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш дейсизми, ҳуллас, барча йўналишларда кўнгилни тўлдирадиган ишлар амалга оширилди. Аммо ҳали олдинда улгурмай қолган ишларимиз ҳам йўқ эмас.

Бинобарин, яқинлашиб келаётган Янги йилда бошлаган эзгу ишларимизни ниҳоясига етказиш, янги куч-ғайрат ва янги ташаббуслар билан фаолиятимизни давом эттиришни дилимизга тукканмиз.

Бу йўлда барча ҳамкасбларимизга омад ва зафарлар тилаб қоламыз. Бағрикенг ва олижаноб юртдошларимизни эса Янги — 2022 йил билан муборакбод этамыз!

Наманган вилоят адлия бошқармаси жамоаси



# Янги йилда хонадонингизга яхшиликлар ёр бўлсин!

## ХОНАДОНЛАРИМИЗДАН ФАЙЗУ БАРАКА АРИМАСИН!



Янги йил бу — ортда қолаётган йил сарҳисоби ҳам демакдир. Агар поёнига етиб бораётган йилдаги ишларимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, ўйлаймизки, 2021 йилда ҳам ёмон натижаларга эришмадик. Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда бор имкониятимизни ишга солдик. Фуқаролардан келган мурожаатларни ижобий ҳал этиш, уларнинг давлат идораларидан рози бўлишида самарали ишлар амалга оширилди.

Келгуси йилда ҳам халқимиз билан янада яқин ҳамкорлик қилиш, уларнинг ечимини кутаётган муаммоларини адолат нуқтаи назаридан ҳал этиш бош мақсадимиздир.

Янги йил барчамизнинг иш фаолиятимизга янги-янги зафарлар олиб келсин. Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси жамоаси

## Янги йил янги ютуқлар ва зафарлар йили бўлсин!

2021 йил поёнига етиб, 2022 йил остонасида турибмиз. Бугун юртимизда кечаётган ижобий ўзгаришларда адлия органларининг ҳам ўз ўрни бор. Негаки, эл-юрт манфаати, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси самараси олис ҳудудларда ҳам сезилаётганлигига гувоҳимиз. Бу мамлакатимизда халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини жойида ҳал қилиш, мухтасар қилиб айтганда, одамларни рози қилиш ҳар бир давлат хизматчисининг асосий шиорига айланганлигидан далолат беради.

Бугун ҳаётимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар биздан янги ишлашни, янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб қилмоқда.

Қадрли юртдошлар, “Инсон ва қонун” газетасининг азиз ўқувчилари!

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни Янги йил билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Кириб келаётган 2022 йил Она Ватанимизга файзу барака, янги ютуқлар ва зафарлар олиб келсин. Жонажон юртимиз ва жонқуяр халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш барчамизга насиб этсин.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси жамоаси



## Янги йил оилаларимизга қут-барака олиб келсин!

ҲУҚУҚИЙ демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш жараёнида адлия органлари ва муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, қонун ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бош вазифамиздир.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этишда адлия органлари ва муассасалари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнга Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси жамоаси ҳам самарали меҳнати билан ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси жамоаси барча юртдошларимизни кириб келаётган янги — 2022 йил билан самимий табриклайди. Барчангизга янги йил сихат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, фаровонлик, омад ва муваффақиятлар, қут-барака олиб келсин! Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мўсаффо бўлсин. Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси жамоаси



# Янги йилда орзуларимиз ушалсин!

## УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР РЎЁБГА ЧИҚСИН!

АЙНИ шу кунларда якунига етиб бораётган 2021 йилни тарих саҳифаларига кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни, қўлга киритган марра ва ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2021 йил биз учун самарали ва хосиятли йил бўлди, деб айта оламиз.

Бунинг исботини аввало давлатимиз қўзлаган буюк мақсад — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб борилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Шу ўринда, кириб келаётган Янги — 2022 йилда ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни давом эттиришда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда, миллий қонунчилигимизни янада ривожлантиришда барчамизнинг, шу ўринда Адлия органларининг ҳам олдида жуда катта машаққатли масъулият борлигини тан оламиз.

Янги — 2022 йилда барчанинг улуғвор мақсадлари рўёбга чиқишига тилакдошимиз.

Кириб келаётган Янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин! Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси



## ХАЛҚ БИЛАН ЯНАДА ЯҚИН МУЛОҚОТДА БЎЛИШНИ НИЯТ ҚИЛГАНМИЗ

КЕЛГУСИДАГИ фаолиятимизда очиклик ва шаффофликни таъминлаб, инсон манфаатларини, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқ билан янада яқин мулоқотда бўлишни ният қилганмиз. Фуқароларнинг ариза ва muroжаатларини кўриб чиқишдаги сансалорлик ва эътиборсизлик ҳолатлари бартараф этилишини иш фаолиятимизда доимо устувор вазифа деб биламиз.

Азиз юртдошларимизни ҳамда “Инсон ва қонун” газетаси ўқувчи ва ижодкорларини яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси номидан қутлаймиз! Барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, шахсий ва ижтимоий ҳаётда катта муваффақиятлар тилаймиз!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси жамоаси



## ИШОНЧ БИЗ УЧУН МУКОФОТ

ЭЪТИРОФ этиш керакки, Янги Ўзбекистоннинг янги ислохотлари барча жабҳалар қатори адлия органлари фаолиятида ҳам янги саҳифаларни очди. Аниқроқ айтганда, Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоя бизни ҳамюртларимизга янада яқинлаштирди. Айниқса, барча туман, шаҳарларда адлия бўлимларининг ташкил этилгани юртдошларимиз кўнглидаги гап бўлди.

Мана, яқинда ҳар бир туман, шаҳарда юридик хизмат кўрсатиш марказлари ҳам ўз фаолиятини бошлади. Бу эса халқимизнинг адлия органларига бўлган ишончини янада оширди, мустаҳкамлади. Бу биз учун катта мукофот.

Фарғона вилоят адлия бошқармаси жамоаси ана шу эзгу ишларни келаётган 2022 йилда ҳам изчиллик билан давом эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Барчамизга кириб келаётган Янги — 2022 йил муборак бўлсин!

Фарғона вилоят адлия бошқармаси жамоаси



# Янги йил — тинчлик, осойишталик, фаровонлик йили бўлсин!

## ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ!

ХОРАЗМ вилояти адлия бошқармаси жамоаси Сиз азизларни кириб келаётган Янги — 2022 йил билан самимий муборакбод этади! Барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт тилаймиз!  
Ўтиб бораётган йил вилоятимиз ҳаётида ҳам муҳим воқеалар ва ютуқларга бой бўлди.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт тарзи, турмуш фаровонлиги ортиб, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда. Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиклик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда. Тизимдаги кенг қўламли ислохотлар Янги — 2022 йилда ҳам изчил давом этади. Биз халқимиз қорига камарбастамиз!

Азиз юртдошлар, кириб келаётган Янги — 2022 йил оилаларимизга қут-барака, бахт ва омад олиб келсин!  
Барча эзгү мақсадларимиз рўйга чиқсин! Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Хоразм вилоят адлия бошқармаси жамоаси

## 2021 ЙИЛ ЖАМОАМИЗ УЧУН БАРАКАЛИ ЙИЛ БЎЛДИ

ҲАР бир йилнинг ўзига хослиги бўлади. Ўтаётган 2021 йил жамоамиз учун баракали йил бўлди. Жуда кўп масалаларда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатдик, муаммолари ижобий ечим топишида баҳолиқудрат кўмаклашдик. Келгуси йилда ҳам халқимиз ҳаётидаги ечимини кутаётган муаммоларга ҳуқуқий баҳо бериб, уларнинг ҳал бўлишида фуқароларимизга камарбаста бўлиш ниятидамиз!

Янги 2022 йил ҳар биримизнинг хонадонимизга тинчлик, файзу барака олиб келсин! Халқимизга улуғ бойлик бўлган оилавий бахт ва саломатлик тилаймиз! Адлия тизими фидойилари, барчангизга шарафли ва масъулиятли ишларингизга омад ёр бўлсин!

Гўзал ва бетакрор юртимиз тинч-осойишта, бағрикенг халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси жамоаси



## ДХА 4 ЁШДА



## ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

ДАВЛАТ хизматлари агентлиги тизими ўз фаолиятининг тўртинчи йилини яқунламоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида амалга оширилган ишлардан кўриш мумкинки, ДХА ёрдами билан йиллар давомида халқни қийнаб келган кўпгина муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Агентликнинг Наманган вилоят бошқармаси, туман, шаҳар давлат хизматлари марказлари ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёшиш бўлими ходимлари томонидан ҳам ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолига яқиндан хизмат кўрсатиб келинмоқда. Биргина жорий йилнинг 11 ойи давомида аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига кўрсатилган хизматлар кўлами 610 мингдан ошди.

Мана, бир жонли мисол. Наманган туманида яшовчи Исмоил Обиджонов ёш, изланувчан ишбилармонлардан бири. У 4 йил муқаддам — давлат хизматлари агентлиги ташкил этилган йилда тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўйган эди. Ўшанда 4 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаган қахрамонимиз йилдан-йилга фаолиятини кенгайтириб бормоқда.

Нафақат давлат хизматлари марказларида, балки марказдан олинсада жойлашган маҳаллаларда кўрсатилаётган сайёр хизматлардан ҳам аҳоли мамнун бўлмоқда. Аҳолига тезкор ва намунали хизмат кўрсатишда давлат хизматлари марказлари филиалларининг ўрни бекиёс, албатта. Негаки, мазкур филиаллар аҳолининг узоғини яқин қилишига, одамларнинг вақти ва маблағи тежалишига, ортқча оворагарчиликларнинг олдини олишига кўмаклашади. ДХАнинг жойлардаги филиаллари олис ҳудудларда тadbirkorлик соҳасини ривожлантиришга ҳам хисса қўшаётир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида филиалларимиз томонидан 7200 та давлат хизмати кўрсатилди.

Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилганлигига 4 йил тўлиши муносабати билан Наманган вилоятида бир қатор маънавий-маърифий тadbirkorлик ўтказилди. Аҳоли ва тadbirkorларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни давлат хизматларидан онлайн тарзда фойдаланишга ўргатиш, шунингдек, соҳадаги янгилклардан хабардор қилиш мақсадида давлат хизматлари карвони ташкил этилди. Дастлаб, Тўрақўрғон туманига йўл олган марказ ходимлари тумандаги “Шарк” маҳалла фуқаролари йигини биносида тарғибот тadbirkorларини ўтказишди.

Маҳалла аҳлига кадастр паспортини тайёрлаш, газ, электр, сув тармоқларига уланиш ва бошқа хизматлар ҳақида маълумотлар берилди. Тизимдаги янгилклар ҳақида маълумот берувчи тарқатма материаллар орқали аҳолига ДХА фаолияти яқиндан тушунтирилди. Шу куни тўрақўрғонлик 10 нафар фуқаро давлат хизматидан ўз маҳалласида фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Байрам муносабати билан безатилган махсус автобус ҳамда “Дамас” автоуловларидан иборат карвон Чуст туманига ҳам кириб борди. Туман

аҳолисига сайёр хизмат кўрсатиш мақсадида “Серб” маҳалласига борилди. Қишлоқ аҳолисига давлат хизматларидан фойдаланиш, марказда кўрсатилаётган хизматларни ўз маҳалласидан чиқмаган ҳолда олиш мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилди.

Поп туманига ҳам ДХАнинг фойдали ва тезкор хизматлар карвони етиб борди. Турли юмушлар билан Тошкент шаҳри ва воҳа вилоятлари томон йўл олган фуқаролар ДХА фаолияти билан яқиндан таништирилиб, уларга агентлигимиз ташкил этилганининг тўрт йиллик байрами муносабати билан тайёрланган патир нонлар улашилди. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан нон шаҳри — Тошкентга олиб борувчи йўлда давлат хизматлари маркази ходимлари тушунтириш-тарғибот тadbirkorларини ўтказишди. Шу ернинг ўзига тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланувларга сайёр хизмат кўрсатилди.

Агентликнинг Наманган вилоят бошқармаси томонидан муаммо ва муурожаатларни ўз вақтида ўрганмаган идора ва ташкилотларга нисбатан маъмурий чоралар ҳам кўрилмоқда. Бу эса, мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлигидан далолат беради.

Давронбек РАВШАНБЕКОВ,  
ДХА Наманган вилоят  
бошқармаси бошлиги

ЎЗБЕКИСТОН

Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ўзининг 70 йиллик тарихи давомида суд экспертиза йўналишида ўзига хос мактаб яратди. Ҳозирги кунда бу мактаб вакили бўлиш ушбу соҳанинг ҳар бир мутахассисига ша- раф ҳисобланади.



# СУД ЭКСПЕРТИЗАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Марказ нафақат суд экспертиза тадқиқотларини амалга ошириш, балки янги экспертиза турлари ва услубийларни жорий этиш бўйича ҳам кенг қўламли илмий-тадқиқот ишларини амалга оширмоқда. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида кейинги 2 йил ичида Суд лингвистика, Суд компьютер-техник, Суд автомобиль йўллари, Суд электротехника, Суд психологик, Озиқ-овқат маҳсулотлари суд экспертизаси каби янги экспертиза турлари яратилиб, суд экспертлик жараёнига таъбиқ этилди. Натижада Марказда амалга оширилган суд экспертлик турлари 51 тага, мутахассисликлар эса, 69 тага етказилди.

Президентимизнинг 2021 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти фаолиятини йўлга қўйиш, дуал таълимни ташкил этиш, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тартибини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин бўлган суд экспертизаси турлари бўйича тадқиқотлар рўйхатини ишлаб

чиқиш вазифаси белгиланган эди.

Мазкур тадбирлар ижроси юзасидан ҳукуматнинг 2021 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказининг суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан институт суд-экспертлик фаолияти соҳасига замонавий илмий ёндашувларни қўллаш орқали унинг самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини янги босқичга кўтариш, давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига илмий-услубий жиҳатдан кўмаклашиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда иштирок этиши, суд-экспертиза фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш белгиланди. Шунингдек, илмий ва илмий-техник фаолият натижаларидан экспертлик амалиётида фойдаланишни кенгайтириш мақсадида институтнинг идоралараро илмий-услубий кенгаши ташкил этиладиган бўлди.

Кенгаш таркиби тизимда суд-экспертиза муассасалари бўлган давлат органларининг кўма қарори билан тасдиқланиши ва унга

давлат суд-экспертиза муассасалари, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари, илмий муассасалар ҳамда суд ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг аъзолари киритилиши белгиланди. Кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари учун тавсиявий ҳисобланиши белгилаб берилди.

Бундан ташқари, ҳукуматнинг 2021 йил 22 ноябрдаги “Суд экспертиза соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан дуал таълимни ташкил этиш, суд-экспертиза соҳасида дуал таълим бўйича кадрларни қайта тайёрлашнинг асосий вазифалари ва босқичлари, ўқув курсларига талабдорлардан ҳужжат қабул қилиш, ўқув жараёни ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, тингловчилар билимининг баҳолаш тартиби ҳамда томонларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини назарда тутувчи Суд экспертиза соҳасида дуал таълим бўйича кадрларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилишда сугурта объекти ва субъекти, мажбурий сугурта шартномасини тузиш тартиби, мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурта суммаси, сугурта қилдирувчи ва сугурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сугурта муқофотини аниқлаш ва уни тўлаш тартибини назарда тутувчи Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидалари тасдиқланди. 51 хил суд экспертизаси турларини ўз ичига олган Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин бўлган суд экспертизаси турлари бўйича тадқиқотлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларда назарда тутилган ислоҳотлар Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Бахтиёр МАХСАДОВ,**  
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг бош юрисконсулти

УРГАНЧ шаҳри, Абай кўчаси, 131-уйда яшовчи фуқаро Х.Шарипова шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 7-сонли умумий ўрта таълим мактабида 2020 йил 7 октябрдан буён кадрлар бўйича инспектор лавозимида ишлаб келмоқда. Унга Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарорига асосан 6-разрядда ойлик маош тўланиши лозим бўлса-да, ҳозирги кунга қадар 3-разряд бўйича маош тўланган. Бундан норози бўлган инспектор шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилган.



## ИНСПЕКТОР НИМАДАН НОРОЗИ?

Аниқланишича, Х.Шарипова ҳақиқатан ҳам шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 7-сонли умумий ўрта таълим мактаби директорининг 2020 йил 7 октябрдаги буйруғига асосан кадрлар бўйича инспектор лавозимига ишга қабул қилинган бўлса-да, унга 2020 йил 7 октябр кунидан жорий йилнинг 20 октябрга қўйиб қадар 3-разрядда ойлик маош тўлаб келинаётганлиги маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига сақланган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядларга мувофиқ олий маълумотли муҳандислар, мутахассислар ва инспекторларга 7-разрядда ҳамда олий маълумотли бўлмаган мутахассислар ва инспекторларга 6-разряд билан ҳақ тўланиши белгиланган.

Шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, суд буйруғига асосан Х.Шариповага 2 миллион 441 минг сўм бўлган устама пули тўлаб берилиши таъминланди.

**Жасурбек МИРЗАЕВ,**  
Урганч шаҳар адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ЭЪЛОНЛАР

Анджон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 6 декабрдаги 391-ум-сон буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 19 декабрда берилган AN №000082-сонли лицензия эгаси, “Анджон” адвокатлар ҳайъати адвокати Mutalova Dilzoda Abduraxmonovnaнинг адвокатлик мақоми ва адвокатлик гувоҳнома-сининг амал қилиши 2021 йил 6 декабрь кунидан касаллик (1 йилдан ошмаган) мuddатга тўхтатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 13 декабрь кунини Қарши шаҳар “Femida Qalqon” адвокатлик фирмаси адвокати Nusurov Sait Sunatovichga бошқарма томонидан 2019 йил 25 февралда берилган KS 000186-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 6 декабрдаги буйруғига асосан “Xojiev Jalil Jumayevich” адвокатлик бюроси адвокати Xadjiev Djallil Djumayevichning (лицензия 25.12.2018, ВН №000100, адвокатлик гувоҳнома №100, 25.12.2018 й.) вафоти муносабати билан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 6 декабрдаги буйруғига асосан “Erkin Idievich” адвокатлик бюроси адвокати Ashurov Erkin Idievichning (лицензия 25.12.2018, ВН №000073, адвокатлик гувоҳнома №073, 25.12.2018 й.) вафоти муносабати билан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Инсон  
ва қонун

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

ISSN 2010-7817

9 772010 7817004

Бош  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқул Ақбар Жўрабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тожиев Фурқат Шомуродович  
Исқандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
кўлемлар тақрир  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Маруса Ҳосилова  
Саҳифачовчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа икюдий уйида чоп этилди.

Тиражи — 4000  
Бурутма — V-4977

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 19:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

# “ТАҚДИР ҲАЗИЛИ ЁКИ ҚУШДЕК ЕНГИЛ БЎЛИНГ” ФИЛЬМИ

Режиссёр Элдар Рязанов томонидан 1975 йилда суратга олинган “Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг” фильмини кўрмаган одам бўлмас керак. 1976 йил 1 январда экран юзини кўрган фильм премьерасини 100 миллион киши томоша қилди ва 7 февраль кuni кинокартина кўнгина томошабинларнинг илтимосига кўра қайта намойиш этилди.

Фильм намойишидан 3 дақиқа ўтибқ Элдар Рязановга ташақкурнома мазмунида битилган илк телеграмма келади. Телеканалга қоп-қоп мактублар кела бошлайти ва картина тез орада оламшумул машхурликка эришади. Шундан буюн ушбу бадиий фильм Янги йил айёмининг ўзгармас тимсолига айланиб, қарийб 45 йил давомида телеэкран орқали ўз мухлисларининг юзига табассум улашишда давом этмоқда.

Хар бир кадр ва сўзи ёд бўлиб кетган кино картинанинг мазмуни кўпчиликка таниш — хар йили 31 декабрь кuni ҳаммомга боришни одат қилган дўстлар меъёридан ортик сархуш бўлиб, оғайнилари Павликнинг ўрнига Женяни аэропортга олиб бориб, Москва-

дан Ленинградга жўнатиб юборишади. Фильмининг асосий воқеалари шундан сўнг бошланади.

Режиссёр фильмдаги бош қахрамонлар — Женья Лукашин ва Надя образларини Андрей Мягков ҳамда польшалик актриса Барбара Брильскага топширади. Маълумотларга кўра, фильмда Барбара ва Андрей жуфтлик ролини ижро этган бўлса-да, аммо ҳаётда улар бир-бири билан унчалик ҳам чиқиша олмаган. “Бизда ортиқча муносабатлар бўлмаган, гарчи Барбара жуда ёқимтой бўлса ҳам”, — деб айтган марҳум актёр Андрей Мягков. Куйида фильм бош қахрамонлари ҳақида айрим маълумотларни келтираимиз.

**Андрей Мягков.** “Тақдир” ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг” фильмда Женя Лукашин ролини ижро қилишига қадар ҳам актёр арсеналида 10 га яқин ижролар бўлган, лекин айнан мазкур фильмдаги роли унинг машхур бўлишига сабаб бўлган. Шундан кейин актёр режиссёр Рязанов билан ҳамкорликни давом эттирган. Мягков де-тектив жанрига оид бир неча китоб ёзган шунингдек рассомлик билан ҳам шуғулланган. Сўнгги вақтларда фильмларда суратга тушмай-диган актёр, авваллари суратга

олинган яхши кинолар киноса-ноатнинг америка формати учун йўқ қилинган деб ҳисоблайди.

**Барбара Брильска.** Фильмдаги Надя ролига бир қанча актрисалар кастингдан ўтганига қарамай, Барбара ижросидаги Польшада суратга олинган фильмини кўрган Рязанов уни бош қахрамони сифатида кўра-бош қилган. Мазкур роли учун актриса СССР фахрий давлат муқофоти билан тақдирланган. 2000 йиллардан бошлаб актриса рус киноларида суратга тушишни давом эттирган.

**Юрий Яковлев.** Турли жанрдаги фильмларда рол ижро қила олиши мумкин бўлган актёр, карьераси давомида 100 дан ортиқ кино ва театрда рол ижро қилган. 1950 йилдан актёрлик билан бирга мультфильмларга ҳам овоз берган. 2007 йилда экран юзини кўрган “Тақдир ҳазили давоми” фильмидаги Ипполит роли актёр учун охириги рол бўлган. Юрий Яковлев 2013 йилда 85 ёшида вафот этган.



## “Қиш сонатаси” — безубор муҳаббат ҳақида ҳикоя қилувчи корейс сериали



“Қиш сонатаси” ўзбек кино-ихлосмандлари томонидан та-крор-такрор томоша қилинадиган энг сеvimли сериаллардан бири. Икки ёшнинг муҳаббати ва айрилиги ҳақида ҳикоя қилувчи сериал 2002 йил Жанубий Корейда режиссёр Юн Сок Хо томонидан суратга олинган. Гарчи мавзу доимгидек севги-га тақалса-да, режиссёрнинг ёндашуви умуман бошқача.

Машхур пианиночининг ўғли фильм бош қахрамони Кан Жун Санг Чунчон кишлоқ хўжалигига кўчиб келади. Воқеалар ривожини шу тарзда бошланади. Отасининг ўлими, онаси билан доимий ке-лишмовчиликлар туфайли у ҳаммиса ўзини кераксиз деб билади. Южин ва Санхёк бола-лигидан бирга ўсган дўстлар. Бир синфда ўқишни бошлаган Жун Санг ва Южин орасида тез орада муҳаббат пайдо бўлади, кўп ўтмай Южин Жун Сангнинг автохалокат туфайли вафот этганини эшитади.

Орадан ўн йил ўтиб, Южин ва Санхёк ўзларининг никоҳ тўйини режалаштиради. Лекин тўсатдан кўчада Жун Сангни кўриб қолиши сериал воқеа-

ларини тубдан ўзгартириб юборади. Тез орада яна бир синфдош киз Чериннинг Франциядан қайтиши муно-сабати билан синфдошлар учрашув ташкиллаштиради. Учрашувга яқин дўсти билан ташриф буюрган Черин ҳам-мани дол қолдиради, сабаби, у Жун Сангга бир томчи сувдек ўхшаш инсон билан келади. Аммо у АҚШдан келган Ли Минхён эди.

Сериалнинг кўп эпизод-лари Сеул шаҳридан бир соатлик масофадаги, Гангвон вилоятида жойлашган Нами оролида суратга олинган. Сериалдаги Жун Санг ва Южин велосипед учадиган хиббон ҳам Нами оролида жойлашган. Ушбу хиббонга бош қахрамонларнинг ҳай-кали ҳам ўрнатилган.



## “УЙДА ЁЛҒИЗ” ФИЛЬМИ

1990 йил ноябрь ойида “Уйда ёлғиз” фильми катта экранларда намойиш этилган ва шу ондаёқ АҚШда энг кўп даромад кўрган Янги йил ҳақидаги фильмга ай-ланган. Фильмда жажжи актёр Маколей Калкин тасоифан Янги йилда ёлғиз қолиб кетган 8 ёшли Кевин Маккалистер қахрамони ролида гавдаланган. Болакай нафақат бир ўзи кўркунни енгиб яшайди, балки уйни ўғрилдан химоя қилиб, уларни кўлга ту-ширишга ҳам ёрдам беради.

Томошабинлар Маккалистерлар оиласини кин дилдан яхши кўриб қолган ва хаттоки жуда кўп саргузаштлар рўй берган уйга ҳам алоҳи-да қизиқиш билдирган.

МАЪЛУМОТ УЧУН, МАККАЛИСТЕРЛАР ХОНАДОНИ ҲАЁТДА ХАМ МАВЖУД БЎЛИБ, УНИНГ МАНЗИЛИ — ИЛЛИНОЙС ШТАТИНИНГ УИННЕТКА ШАҲРИДА, ЛИНКОЛН ПРОСПЕКТИДАГИ 671-УЙ.

Фильм муваффақиятидан сўнг “Кевиннинг уйи” давлат диққатига сазовор жойга айлан-ди ва ўтаётган барча сайёҳлар унинг олдида, албатта, суратга тушади.

Картинанинг 30 йиллиги муносабати билан ушбу хонадон таъмирланди ва мухлис-лар уйнинг ҳозирги ва аввалги кўринишини таққослаш имкониятига эга бўлди.

2018 йил Маколей Калкин мухлисларини хурсанд қилиб, уни чинакам юлдуга айлан-тирган фильмдаги рамзий воқеаларни тақро-лади. Шунингдек, ақли уй техникаларини ҳам реклама қилди. Унда актёр ўзига хос ҳазил туйғуси билан фильмининг энг қулгили онлари-ни қайтарди.

